



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20²² yil « 24 » iyun

№ 346

Toshkent sh.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурӣ регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон Фармонига мувофиқ тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини автоматлаштириш ва электрон шаклга ўтказиш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. 2022 йил 1 июлдан бошлаб комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) давлат рўйхатидан ўтказишнинг соддалаштирилган электрон тартиби жорий этилсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи **Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурӣ регламенти** (кейинги ўринларда – Маъмурӣ регламент) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат хизматлари марказларига бевосита ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиш тартиби;

франшизинг тўғрисидаги шартномаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳолатлари;

франшизинг тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ягона давлат реестрини юритиш тартиби.

3. Адлия вазирлиги иккى ой муддатда:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Маъмурӣ регламент бўйича давлат хизматларини ЯИДХП орқали Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими ёрдамида жорий этилишини;

давлат хизматлари марказлари ходимлари иштирокида ушбу қарор билан тасдиқланган Маъмурий регламентни амалда қўллашнинг самарадорлиги ва натижадорлиги даражасини оширишга йўналтирилган ўкув-семинарлар ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

4. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатлар кўриб чиқилишини мониторинг қилиб бориш тартибини жорий этсин.

5. Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиrsин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “24” июндаги 346-сон қарорига
1-илова

**Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини
давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Маъмурий регламент комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини (кейинги ўринларда – Франшизинг шартномаси) давлат рўйхатидан ўтказиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартибини белгилайди.

2. Франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда – рўйхатдан ўтказувчи орган) томонидан Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда – Тизим) орқали амалга оширилади.

Ушбу қоидага риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий ҳисобланмаслигига сабаб бўлади.

3. Ушбу Маъмурий регламентда қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – лицензиат, лицензиар ёки уларнинг вакили;

лицензиар – франшизинг шартномаси бўйича тараф, лицензиатга комплекс мутлақ ҳукуқларни ҳақ эвазига фойдаланиш учун берувчи комплекс мутлақ ҳукуқлар (лицензия комплекси)нинг ҳукуқий эгаси;

лицензиат – франшизинг шартномаси бўйича тараф, лицензиарнинг комплекс мутлақ ҳукуқларидан тадбиркорлик фаолияти учун ҳукуқий фойдаланувчи;

франшизинг шартномаси – бир тараф (лицензиар) иккинчи тарафга (лицензиатга) ҳақ эвазига лицензиарнинг фирма номидан ҳамда қўриқланадиган тижорат ахборотидан, шунингдек, шартномада назарда тутилган мутлақ ҳукуқларга кирувчи бошқа обьектлардан (товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ихтиrolар ҳамда бошқалардан) лицензиатнинг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш ҳукуқини ўз ичига оладиган мутлақ ҳукуқлар комплексини (лицензия комплекси) бериш мажбуриятини юклайдиган шартнома;

комплекс тадбиркорлик бўйича қўшимча лицензия шартномаси (кейинги ўринларда – қўшимча лицензия шартномаси) – бу лицензиат томонидан унга берилган лицензия комплексидан ёки унинг қисмидан лицензиар билан келишилган ёхуд франшизинг шартномасида белгиланган шартларда фойдаланиш ҳукуқини бошқа шахсларга бериш тўғрисидаги шартнома;

франшизинг шартномасига муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши – шартнома предмети, етказиб бериладиган товар (ишлар, хизматлар)нинг миқдори, сифати, тури, нархи, бажариш муддатлари, ҳисобкитоб тартиби, тарафларнинг реквизитлари, шартнома тузилган сана ва жой, шунингдек, франшизинг шартномаси учун қонунчилик хужжатларида белгиланган ёки унга нисбатан тарафлардан бири томонидан берилган ариза бўйича битимга эришилиши керак бўлган бошқа муҳим шартлар бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши.

4. Агар франшизинг шартномасида ташқи савдо операциялари (товарлар, ишлар ва хизматлар экспорти-импорти) назарда тутиладиган бўлса, у ҳолда бундай операцияларга нисбатан қонунчилик хужжатларида белгиланган талабларга ҳам риоя қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳолларда интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ хукуқларни ўз ичига оладиган франшизинг шартномаси (лицензия шартномаси)нинг тегишли қисми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Интеллектуал мулк департаментида ҳам рўйхатдан ўтказилиши керак.

Бунда лицензия шартномаси франшизинг шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ушбу талабга риоя қилинмаган тақдирда, агар шартноманинг бошқа шартлари бевосита ўз кучини сақлаб қолиши мумкин бўлса, лицензия шартномасининг тегишли қисми ёхуд франшизинг шартномаси умуман тузилмаган ва ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Агар интеллектуал мулк обьекти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилмаган бўлса, интеллектуал мулк хукуқини рўйхатдан ўтказиш ва франшизинг шартномаси бўйича бериш тарафларнинг хоҳишига кўра амалга оширилади.

5. Франшизинг шартномаси давлат рўйхатидан ушбу Маъмурий регламентга 1-иловадаги схемага мувофиқ ўтказилади.

2-боб. Франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш

6. Ариза берувчи франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи келиб мурожаат этади ёки ЯИДХП орқали Тизимда рўйхатдан ўтади.

Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, ариза берувчи мустақил равишда ушбу Маъмурий регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдиради.

7. Ариза берувчи сўровномани шакллантиришни исталган босқичда тўхтатиш хукуқига эга, бунда тўланган йигим қайтарилмайди.

8. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани идентификация қилишнинг замонавий воситалари (электрон рақамли имзо, мобил-ID тизими, электрон имзо, дактилоскопия ва бошқалар) билан тасдиқлади.

Ариза берувчи томонидан сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

9. Ариза берувчи томонидан сўровномага қўйидаги хужжатлар электрон шаклда (pdf форматда) илова қилинади:

а) рўйхатдан ўтказища:

франшизинг шартномаси;

хорижий лицензиар учун – хорижий давлатнинг тегишли давлат реестридан кўчирма ёки унинг ўрнини босувчи тегишли хужжатлар;

б) муҳим ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказища:

франшизинг шартномасига киритилаётган муҳим ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхаси;

суд органининг қарори асосида франшизинг шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишида – ушбу хужжатнинг нусхаси тақдим этилади.

Бунда мазкур ҳолатларда ариза берувчи ишончнома асосида иш кўрадиган шахс бўлса, кўрсатиб ўтилган шахснинг ваколатини тасдиқлайдиган, белгиланган тартибда тасдиқланган хужжатнинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Ариза берувчидан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумотларни, шунингдек, бошқа хужжатларни тақдим этишини талаб этиш қатъяян тақиқланади.

Тақдим этилган хужжатлар давлат тили ёки рус тилига нотариал тартибда таржима қилинган бўлиши талаб этилади.

10. Франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказганлик учун базавий ҳисоблаш микдорининг учдан бир микдорида йифим ундирилади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда, рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи келиб мурожаат этганда тўланадиган сумманинг 90 фоизи микдорида йифим ундирилади.

Йифим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш рад этилган тақдирда, тўланган йифим қайтарилмайди.

11. Йифим суммаси қўйидаги тартибда тақсимланади:

а) рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи келиб мурожаат этганда:

0,5 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон хукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварагига;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

11,75 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварагига (шу жумладан, 0,5 фоизи йиғим тўланганлиги Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварагига ўтказилади.

12. Қуйидаги ҳолларда йиғим тўланмайди:

суд хужжати асосида франшизинг шартномасига ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишда;

франшизинг шартномаси (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар)ни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича хужжатлар такоран кўриб чиқилганда.

13. Рўйхатдан ўтказувчи орган тақдим этилган хужжатларни келиб тушган санадан бошлаб бир иш куни давомида кўриб чиқади ҳамда кўриб чиқиши натижалари бўйича франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш ҳақида ёки мазкур Маъмурий регламентнинг 15-бандида белгиланган ҳолатлар мавжуд бўлганда, давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қиласи.

14. Агар тақдим қилинган хужжатлар мазкур Маъмурий регламент талабларига мувофиқ бўлса, рўйхатдан ўтказувчи орган ходими:

ягона давлат реестрига автоматик тарзда тегишли ёзувлар киритиш йўли билан франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан ўтказади, франшизинг шартномаларига ўзгартириш, қўшимчалар киритади;

франшизинг шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабарномани Тизим ёрдамида автоматик тарзда Адлия вазирлигининг Интеллектуал мулк департаментига юборади;

мазкур Маъмурий регламентга З-иловага мувофиқ QR-код (матрик штрихли код) қўйилган франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақдаги гувоҳномани шакллантиради;

франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақдаги гувоҳномани ариза берувчига тақдим қиласи (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юборади.

15. Қуйидагилар франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун асос бўлади:

комплекс мутлақ ҳуқуқларнинг мувофиқ бўлмаган ҳуқуқ эгалари (ҳуқуқдан фойдаланувчилар) томонидан мурожаат қилинганда;

хужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда ёки қасдан сохта хужжатлар ёки маълумотлар тақдим этилганда;

тақдим этилган хужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатлари талабларига номувофиқлиги;

фаолиятнинг тегишли турини амалга ошириш ҳукуқини берувчи зарур рухсатномалар (лицензиялар)нинг мавжуд эмаслиги, агар бундай рухсатнома (лицензия) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларига мувофиқ талаб этилса.

16. Давлат рўйхатидан ўтказишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, рўйхатдан ўтказувчи орган ходими мазкур Маъмурий регламентга 4-иловага мувофиқ франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилингандаги тўғрисидаги хабарномани расмийлаштиради ҳамда уни ариза берувчига тақдим қиласи (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юборади.

17. Франшизинг шартномаси давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган тақдирда, ариза берувчи бу ҳақдаги хабарномани олган вақтдан бошлаб уч ой ичидаги тегишли камчиликларни бартараф қилган ҳолда йифимни тўламасдан, қайта мурожаат қилиш ҳукуқига эга.

Бунда франшизинг шартномаси давлат рўйхатидан мазкур бобда белгиланган тартибда ўтказилади.

Ариза берувчи томонидан ушбу банднинг биринчи хатбошида белгиланган муддатдан кейин берилган сўровномалар янгидан берилган ҳисобланади ҳамда белгиланган тартибда давлат хизмати учун йифим ундирилади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

18. Ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги, аниқлиги, бузиб кўрсатилганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

19. Ушбу Маъмурий регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг)
шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш
бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
1-илова

**Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини
давлат рўйхатидан ўтказиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-bosqich	Ариза берувчи (франшизинг шартномаси бўйича лицензиат, лицензиар ёки уларнинг вакиллари)	Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қиласи ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.	Хоҳишига кўра (шартномага асоссан фаолият бошлини олдидан)
2-bosqich	Ариза берувчи (франшизинг шартномаси бўйича лицензиат, лицензиар ёки уларнинг вакиллари)	Франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир миқдорида йигим тўлади. <i>(ЯИДХП орқали мурожсаат этилганда сумманинг 90 фоизи ундирилади)</i>	Мурожаат қилинган вақтда
3-bosqich	Рўйхатдан ўтказувчи орган (Давлат хизматлари маркази)	Тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Маъмурий регламент талабларига мувофиқ бўлганда, давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказади. Тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Регламент талабларига номувофиқ бўлганда франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни рад қиласи, бу ҳақида ариза берувчини хабардор қиласи.	Бир иш куни мобайнида
4-bosqich	Ариза берувчи (франшизинг шартномаси бўйича лицензиат, лицензиар ёки уларнинг вакиллари)	Франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш рад этилган тақдирда, тегишли камчиликларни бартараф қилган ҳолда қайта мурожаат қиласи.	Хабарнома олган вақтдан бошлаб уч ой мобайнида
5-bosqich	Рўйхатдан ўтказувчи орган (Давлат хизматлари маркази)	Франшизинг шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани ариза берувчига тақдим қиласи (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юборади.	Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг реал вақт режимида

Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг)
шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш
бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
2-илова

**Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини
давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича
СЎРОВНОМА**

I. Ариза берувчи жисмоний шахс тўғрисида маълумот:	
1. Ф.И.О.:	
2. ЖШШИР:	
II. Ариза берувчи юридик шахс тўғрисида маълумот:	
1. Фирма номи, ташкилий-хуқуқий шакли:	
2. СТИР:	
III. Франшизинг шартномаси тўғрисидаги маълумот:	
Сўровномани тўлдириш сабаби:	янги рўйхатдан ўтиш; муҳим ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш.
3. Лицензиарнинг интеллектуал мулкка оид лицензиатга бериладиган: интеллектуал мулк обьекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ёки давлат рўйхатидан ўтказиш учун талабнома берилганлиги тўғрисидаги; интеллектуал мулк обьекти эгаси тўғрисидаги; интеллектуал мулк обьектининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги муҳофаза хужжати ҳақидаги маълумотлар.	
4. Франшизинг шартномасини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар:	
5. Электрон почта манзили, веб-сайти манзили (агар мавжуд бўлса):	
IV. Илова қилинадиган ҳужжатлар:	
a) Рўйхатдан ўтказишида: франшизинг шартномаси; хорижий лицензиар учун – хорижий давлатнинг тегишли давлат реестридан кўчирма ёки унинг ўрнини босувчи тегишли ҳужжатлар; ишончнома (заруратга кўра).	
b) Муҳим ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишида: франшизинг шартномасига киритилаётган муҳим ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхаси; суд органининг қарори асосида франшизинг шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишида – ушбу ҳужжатнинг нусхаси; ишончнома (заруратга кўра).	

Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг)
шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш
бўйича давлат хизматини кўрсатишининг
маъмурий регламентига
3-илова

Elektron hujjatning
identifikasiya raqami



**Kompleks tadbirkorlik litsenziyasi (franshizing) shartnomasi
davlat ro‘yxatidan o‘tkazilganligi to‘g‘risida
GUVOHNOMA**

Ro‘yxatdan o‘tkazilgan sana

Kompleks tadbirkorlik litsenziyasi (franshizing)
shartnomasining amal qilish muddati

Litsenziatning nomi _____

Pochta manzili _____

Tashkiliy-huquqiy shakli _____

KTUT kodi: _____

STIR: _____

IFUT kodi _____

Litsenziarning nomi _____

Pochta manzili _____

Tashkiliy-huquqiy shakli _____

KTUT kodi: _____

STIR: _____

IFUT kodi _____

Franshiza obyekti: _____

QR-kod

Guvohnomani bergen ro‘yxatdan o‘tkazuvchi organ nomi:

Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг)
шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш
бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурӣ регламентига
4-илова

Elektron hujjatning
identifikasiya raqami



_____ qonun hujjatlarida belgilangan tartibda
(ro'yxatdan o'tkazuvchi organning nomi)
va muddatlarda Sizning 20 ____ -yil “ _____ ”
(yil, kun, oy) dagi _____ -son so'rovnomangizni
ko'rib chiqib, _____ rad etilganligini ma'lum qiladi.
(davlat ro'yxatidan o'tkazish; qayta ro'yxatdan o'tkazish)

Rad etish asoslari:

1. _____
2. _____
3. _____

Axborot tariqasida ma'lum qilinadiki, franchizing shartnomasini davlat ro'yxatidan o'tkazish rad etilgan taqdirda, ariza beruvchi bu haqidagi xabarnomani olgan vaqtidan boshlab 5 ish kuni ichida tegishli kamchiliklarni bartaraf qilgan holda yig'imni to'lmasdan qayta murojaat qilish huquqiga ega

Ariza beruvchi tomonidan belgilangan muddatdan keyin berilgan so'rovnomalar yangidan berilgan hisoblanadi.

QR-kod

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “24” июндаги 346-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган айрим қарорлари**
РЎЙХАТИ

- 1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2010 йил 4 ноябрдаги 244-сон қарори.
- 2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2011 йил 6 сентябрдаги 248-сон қарорига илованинг 16-банди.
- 3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 31 декабрдаги 377-сон қарорига илованинг 33-банди.
- 4.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2017 йил 21 августдаги 651-сон қарорига илованинг 13-банди.
- 5.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон қарорига илованинг 28-банди.
- 6.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 10 августдаги 661-сон қарорига илованинг 18-банди.
- 7.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 99-банди.
- 8.** Вазирлар Маҳкамасининг “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизими тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2021 йил 25 июндаги 393-сон қарорига 1-илованинг 9-банди.

